

*Хурлиман Шамшетова*

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият*

*Институт Нукус филиали талабаси*

*Илмий раҳбари: Дилбархан Шарипова*

## ЁРҚИН ИСТЕЪДОД СОХИБАСИ

**Аннотация :** Қўлига сеҳирли таёқчасини олиши билан мусиқанинг сеҳирли дунъёси ила бетакрор асарларни ижро қилган истеъдод соҳибаси Қорақалпоқистон Республикаси халиқ артисти , дирижёр Аида Абдуллаева юқори даражадаги дирижёрлик маҳоратига ега бўлган ижодкорлардан бири ҳисобланади. Мақолада унинг дирижёр сифатида шакилланиши ва ижодий фаолияти ҳақида сўз этилади.

**Калит сўз :** театр, дирижёр, композитор, Опера ва балет.

**Аннотация :** Народная артистка Республики Каракалпакстан, дирижёр Аида Абдуллаева, исполнившая с волшебной палочкой в руке уникальные произведения с волшебным миром музыки, считается одним из творцов с дирижерским мастерством высокого уровня. В статье рассказывается о его становлении как дирижера и его творческой деятельности.

**Ключевые слова :** театр, дирижер, композитор, Опера и балет.

**Annotation :** People's Artist of the Republic of Karakalpakistan, conductor Aida Abdullaeva, who has performed unique works with the magical world of music with her magic wand in her hand, is considered one of the creators with high – level conducting skills. The article talks about his formation as a conductor and his creative activity.

**Key word :** theater, conductor, composer, opera and balet.

Дирижёрлик бир қараганда оркестр олдидаги оддийгина қўл ҳаракатига ўхшаб кўриниши мумкин. Лекин катта жамоани бир нуқтага жамлаб жозибадор оҳанг яратиш дирижердан маҳорат талаб қилади. Ҳар бир куй, оҳангни уйғинлаштириб ҳақийқий асарни дунъёга келтириш учун чинакамига меҳнат ва истеъдод керак.

Дунъё мусиқа санаътига ўзининг асарлари билан муносиб ҳисса қўшган буюк истеъдод егалари яшаб ўтганки, уларнинг бебаҳо асарлари бугин ҳам ўз қадир – қийматини йўқотмасдан мусиқа оламида олтин меросга айланиб тарих саҳифаларидан жой олган. Уларнинг давомчилари сифатида кўпгина истеъдодлар илмий ва ижодий ишлари билан Ушбу соҳа ривожини учун ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Ана шундай ижодкорлардан бири дирижёр Аида Абдуллаева қорақалпоқ диёрида Қорақалпоқистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби композитор ва дирижёр Кеңесбай Абдуллаев оиласида 1962 йили дунъёга келди. А.Абдуллаева дирижёр бўлиб шакилланишида ҳам қайсидир маънода отаси К.Абдуллаевнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга ега. К.Абдуллаевнинг қизлари Улбийби ва Аида Абдуллаевалар қорақалпоқ қизлари орасидан йетишиб чиққан биринчи профессионал композитор ва симфоник дирижёр ҳисобланади.

Ёшлиқдан санъатга, мусиқага бўлган иштиёқи кучли бўлиб, айнан мана шу қизиқувчанлик уни Глира номидаги ҳозирги Ешжан бақши болалар мусиқа ва санъат мактаби томон етаклайди. Фортепиано синфида устози Ларина Камиласовнадан оқ-қора клавишларни бўйсиндириш

сирларини ўргана бошлайди. 1977 – йили Ж.Шамуратов номидаги санъат училишисига фортепиано синфига қабул қилиниб уни 1981 – йили тамомлайди.

Изланувчан ижодкор ўз устида тинимсиз излана бошлайди ва 1985 – йили Тошкент давлат консерваториясининг хор дирижёрлиги факултетига ўқишга кириб у ерда тажрибали профессор ўқитувчилардан сабоқ олади, дирижёрлик бўйича биринчи устози Абдижаббар Мамбетов бўлиб ундан мусиқа бўйича кўпгина сир – асрорларни ўрганиб 1990 – йили ўқишни тамомлаб Бердок номидаги қорақалпоқ давлат академик мусикали театрида хормейстр дирижёр сифатида фаолият юрита бошлайди.

Театр бамисоли шундайин бир заминки у пайдо бўлгандан буён унинг муқаддас сахнасида қанчадан – қанча ижодкорлар ижод қилиб, умрларини санъат учун, унинг келажаги учун бахшийда қилган. Ана шундай ўз касибининг фидокорлари хисобланган , юртимизнинг ардоғидаги инсонлар Айпара Төлепова, “ Ўзбекистон ва Қорақалпоқистон санъат арбоб ” лари Н.Мухаммеддинов, Қ.Заретдиновлар билан бирга ижод қилиб кўпгина тажриба ва кўникмаларга эга бўлди. Қорақалпоқ халқининг биринчи миллий операси хисобланган, композитор Н.Мухаммеддинов , либретто муаллифи “ Ўзбекистон қахрамони ” И.Юсупов қаламига тегишли “Ажиниёз” операсига ва “ Тумарис ” “ Гулайим ” операларига дирижёрлик қилади.

1995-йили Ўзбекистон давлат консерваториясига “опера ва симфоник оркестр дирижёрлиги” бўлимига ўқишга кириб 1998-йили муофакиятли тамомлаб А.Навои номидаги Ўзбекистон давлат академик Опера ва балет театрида дирижёрлик фаолиятини бошлайди. Бу ерда Д.Абдурахманова, Қ.Усмоновлар устозлик қилиб ўзларининг ижодий тажрибалари билан бўлишади.

1999-йили Аида Абдуллаевага “Қорақалпоқистон халқ артисти” унвони берилади. Албатта бундай эътироф ҳар бир ижод ахлига куч-қувват бағишлаб, яна ва яна ижод қилишга ундаши сўзсиз. 2005-йили “Ўзбекистон, Қорақалпоқистон халқ артисти” М.Раззоқованинг Москва шаҳрида бўлиб ўтган концертига “Эрмитаж” комерний оркестри билан бирга қатнашади.

2006-йили апрел-май ойларида Санкт-Петербургдаги Маринский театрида малака ошириб ижодий тажриба ва билимларини янада мустаҳкамлайди.

Аида Абдуллаеванинг дирижёрлик репертуарига назар солсак бир-биридан бетакрор бўлган дунё классик асарларининг бор еканлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан П.И.Чайковский “Иоланта”, “Шелкунчик”, ДЖ.Верди “Травиата” , “Аида” , “Балмаскарад”, ДЖ.Пуччини “Богема”, “Мадам Батерфлян”, Г.Доницетти “Любовный напиток”, “Лючия ди ламмермур”, Р.Леонкавало “Паяцы”, В.А.Моцарт “Свадьба Фигаро”, В.Миров “Али Баба и 40 разбойников”, И.Морозов “Доктор Айболит”, А.Хачатурян “Чиполлино”, С.Прокофьев “Золушка” асарларида ўзининг дирижёрлик махоратини юксак даражада намоён қила олган.

Истеъдод ана шундай кучга эгаки ўз устингда қанча изланиб, меҳнат қилганинг сайин янада сайқалланиб, товланиб бораверади. Абдуллаева Аида Кеңесбаевна ҳам ўз устида изланувчан, талабчан инсон ёшлигидаги болаларча иштиёқи, қизиқувчанлиги бугин уни катта сахналарга, дунё сахналарига олиб чиқти десак муболаға бўлмайди.